

# **Олий Мажлис Қонунчилык Палатаси депутати Зухриддин Мавлонов тумандаги “Гулчинор” МФЙда бўлиб аҳоли билан суҳбатлашди.**



Фуқаролар депутат билан суҳбатда маҳаллада янги қурилган мактаб биноси фойдаланишга рухсат берилмаганлиги учун бўш турғанлиги, агар мумкин бўлса ушбу бинони маҳаллага боғча сифатида фойдаланишга топширишларини сўраб мурожаат қилишди.

Шунингдек, депутат маҳаллалардаги хонадонларда ҳам бўлиб хонадон эгалари билан дилдан суҳбат олиб борди. Муаммолари хусусида сўраб-суриштириди. Фуқаролар депутатга бир неча муаммолар билан мурожаат қилдилар.

Хусусан, депутатга “Хўжақия-1” МФЙда истиқомат қилувчи Ашурали Йўлдошев хонадонида бўлишганда қизи Зарнигор Ашуралиева айни пайтда Термиз Тиббиёт академиясида таҳсил олаётганлиги сабабли унга контракт пулини ярмини тўлаб беришда амалий ёрдам беришларини сўради. Депутат амалий ёрдам беришини маълум қилди.